

"Однакласники"га ҳеч қандай алоқамиз йўқ

18:58 / 24.04.2016 2544

Ассаламу алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари! Ҳозирги кунда кўпчилик фойдаланадиган однакласники.ру сайтида «Олтин силсила» номли гуруҳ бор. Бу гуруҳда доимий тарзда исломий мақолалар бериб борилади. Баъзида ушбу сайтдаги сиз жавоб берган кўпчилик учун зарур бўлсан саволлар ҳам сизнинг жавобингиз билан биргаликда бериб борилади. Саволим шуки, бу гуруҳга сизни ёки Ислом.Уз сайтини қанчалик даражада алоқаси бор? Аллоҳ сизни жаннат билан мукофотласин!

Мен ва менга боғлиқ одамларнинг бирортаси Однакласники сайтига ҳеч қандай алоқамиз йўқ. Минг афсуски, мусулмонликни даъво қилаётган баъзи кишилар сиз айтган ва яна бошқа бир қатор ижтимоъий тармоқларда менинг исмим ила ва китоб ҳамда сайтларимиз номи ила ўзларича фаолият олиб боришаётгани аччиқ ҳақиқатдир. Бундай қилиш мусулмонлик одобига мутлақо тўғри келмайди. Ҳар бир киши қиёматда, ҳар бир қилган ишидан сўралиши ҳақ эканини бир зум ҳам эсидан чиқармаслиги керак. Мен юқорида айтиб ўтган ишларни қилаётганлардан зудлик билан бу нотўғри ишларини тўхтатишларини сўрайман. Одамларни ўзига жалб қилиш учун бировларни норози қилиш жоиз эмас. (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)